

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олниди  
№ МУ 3-93  
201 7 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
маҳсус таълим вазирининг  
201 7 йил 24 авгуаст даги  
оонли буйруги билан  
тасдиқланган

**“Компьютер инжиниринги”**  
("Компьютер инжиниринги", "АТ-Сервис", "Ахборот хавфсизлиги",  
"Мультимедиа технологиялари")

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаши ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус  
касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини  
Мувофиқлаштирувчи кенгашининг*

*2017 йил 18.08 даги 4 -сонли баённомаси билан маъкулланган.*

Тузувчилар: “Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф. М.М.Қаххарова.

“Таълим-тарбия жараёнларни ташкил этишининг конуничилик нормалари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, ю.ф.н., доц.О.Х.Нарзуллаев.

“Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н. М.Т.Мирсолиева, ўқитувчилар И.А.Эшмаматов, К.Рискулова.

“Электрон педагогика асослари ва педагогининг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш” модули: ф.-м.ф.н., доц. Х.Холмедов, катта ўқитувчилар В.Хамидов, М.Файзиева, ўқитувчилар Т.Шаймардонов, А.Обидов.

“Амалий хорижий тил” модули: катта ўқитувчилар. У.Гиёсова, Ф.Бойсариеva; Ўзбекистондаги Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари.

“Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва карорлар кабул килиш технологиялари” модули: ф.ф.д., проф. Р.Самаров, пс.ф.н. Х.М.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. А.З.Каримов.

**Маҳсус фанлар бўйича:** Хорижий эксперт Ли Чул Су (Жанубий Корея).

**Ишчи гурух:** т.ф.д. проф. Ш.А.Саъдуллаева, т.ф.д. проф. А.В.Кабулов, т.ф.н.доц. В.А.Каримова, катта ўқитувчилар К.Шукуров, О.Мамараупов.

Такризчилар: **Хорижий эксперт:** Ли Чул Су (Жанубий Корея). X.Н.Зайнидинов – Ахборот технологиялар кафедра профессори, т.ф.д. профессор

Ўқув дастури Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Кенгашининг карори билан тасдиқка тавсия килинган (2017 йил  
даги \_\_\_\_\_-сонли баённома).

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида кайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни максад килади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хукукий асослари ва конунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул килиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараккиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгти ютуклар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоги, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усусларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тулади.

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмунни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига кўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараённига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш хисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларida ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил килиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул килиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига кўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури куйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

### **I. Олий таълимнинг норматив хукукий асослари**

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия.
- 1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик нормалари.

### **II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.
- 2.2. Электрон-таълим мухитини шакллантириш.

### **III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш**

- 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш.
- 3.2. Мультимедиа технологиялар.

### **IV. Амалий хорижий тил**

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуслари.

### **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

- 5.1. Олий таълим жараёнини бошкаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.
- 5.2. Электрон хукумат.

### **VI. Максус фанлар**

- 6.1. Ахборот хавфсизлиги.
- 6.2. Linux операцион тизим.
- 6.3. Ўнатилган тизим.

### **VII. Педагогик амалиёт**

### **VIII. Малакавий аттестация**

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада татьминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўнинма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг

касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг вазифаларига қўйидагилар киради:

- “Компьютер инжиниеринги” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- максус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Компьютер инжиниеринги” йўналишида ўкув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга каратилган фаoliyatни ташкил этиш.

**Курс якуннида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив хукуқий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараённида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва карор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Максус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

**Тингловчи:**

- электрон таълимнинг асосий ривожланиш тенденцияларини;
- онлайн-таълимнинг афзалликлари ва камчиликларини;
- электрон ўқитишдан фойдаланиш технологиясини;
- электрон таълим учун муваллифлик воситаларини;
- ахборот-коммуникация технологиялари, интерактив технологиялардан фойдаланишни;
- видео, аудио, график, гиперматнли маълумотларни;

- мультимедиа технологияларидан фойдаланган ҳолда мультимедиали лойихаларни;
- ахборотлаштиришнинг миллий тизимини;
- барча соҳаларда электрон хукумат корпоратив тизимини жорий этишни;
- давлат конун ва қарорлар, фармонлар ва бошка норматив хужжатларини;
- Ўзбекистон Республикаси “Электрон хукумат” тизими ривожланиш босқичларини;
- давлат бошқарув тизимини жорий этишда чет эл тажрибасидан фойдаларишни;
- таҳдид турлари ва уларга карши химоя усулларини;
- компьютер тизимлари ва тармоқлари ахборот химоясининг муаммоларини;
- химояланган компьютер тизимлари ва тармоқларини куриш концепциясини;
- аутентификация ва идентификация усулларини;
- дастурий маҳсулотлар хавфсизлиги муаммоларини;
- Linux операцион тизими, уларнинг архитектураси, ишлаш принципи ва хизматларини;
- Linux операцион тизими бўйруқлари ва дистрибутивларини;
- ўрнатилган тизимларнинг характеристикалари ва сифат аттрибутларини;
- ўрнатилган тизимларининг лойихалаш босқичлари ва синфларини;
- ўрнатилган тизимларнинг асосий хусусиятлари ва стандартларини;
- ўрнатилган тизимлар дастурий таъминотига қўйилган талаблар ва хусусиятларини *билиши* керак.

#### **Тингловчи:**

- ўқув жараёнини ахборот коммуникация технологияларини ўринли (максадли) кўллаган ҳолда ташкиллаштириш ва бошқариш;
- глобал тармоқлар орқали педагогик ҳамкорликни амалга ошириш;
- таълим сифатини таъминлаш имкониятини берувчи ахборот тизимларини ўқув жараёнига тадбик этиш;
- мультимедиа воситаларидан фойдаланишни билиш;
- видео, аудио, график, гиперматнли маълумотлар билан ишлаш;
- мультимедиа технологияларидан фойдаланган ҳолда мультимедиали маҳсулотларни ишлаб чиқиши;
- электрон хукуматда ўзаро муносабат турлари асосидаги ахборот тизимлари комплексларидан фойдаланиш;
- электрон хукумат интерактив хизмат ахборот ресурсларининг ишончлигини таъминлаш механизмини кўллаш;

- электрон хукумат интерактив хизмат ахборот ресурсларининг ишончлигини таъминлаш механизмини кўллаш;
- электрон давлат хизматларининг турларидан фойдаланиш;
- Java дастурлаш тилида хавфсиз дастурний таъминотларни яратиш;
- ахборот хавфсизлиги таъминотининг зарурий технология ва химоя воситаларини танлаш;
- ахборот чиқиб кетадиган ташкилий ва техник каналларни аниклаш;
- локал ва глобал тармокларда ахборот хафсизлиги таъминлаш;
- Linux операцион тизимини ва кўшимча дастурларини ўрнатиш;
- Linuxда операцион тизимида бўйруқлар сатри билан ишлаш;
- ўрнатилган тизимларни тадбик этиш;
- ўрнатилган тизимларни лойихалаштириш;
- ўрнатилган тизимларда кўлланиладиган турли воситалардан фойдаланиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- интернет ресурслар ва хизматларидан самарали фойдаланган ҳолда ахборот таълим майдонини лойихалаш;
- ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнини ташкиллаштириш;
- матн, тасвир, овоз ва видео ахборотларидан фойдаланилган ҳолда мультимедиали иловаларни яратиш;
- мультимедиа дастурний воситаларидан фойдаланган ҳолда анимация яратиш;
- катта ҳажмдаги хотира курилмалари ва мультимедия дастурларининг амалий пакетларидан фойдаланиш;
- “Электрон хукумат” тизими ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- ягона интерактив давлат хизматлари порталада ишлаш;
- ахборот хавфсизлигига заифликлар ва уларни бартараф этиш;
- ахборотни химоялашда комплекс химоя усуllibаридан фойдаланиш;
- Linuxда операцион тизими хавфсизлигини таъминлаш;
- Linuxда операцион тизимида драйверлар, жараёнлар, серверлар билан ишлаш;
- дастурдан фойдаланилган ҳолда тизимни бошқариш;
- турли электр таъсиrlаридан химояланиш;
- турли датчик ва бошқарув курилмалари билан ишлаш;
- ўрнатилган тизимлар базасида турли лойҳаларни хисоб китоби ва уларни амалга ошириш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- Moodle электрон таълим платформаси орқали ўкув жараёнини шакллантириш;
- таълим сифатини таъминлашда электрон ахборот ресурслардан фойдаланиш;
- мультимедия маҳсулотларини тақдим этишда график, аудио, видео ахборотларни рақамлаштириш жараёни ва параметрларини бошқариш;
- анимация яратиш ва видеомонтаж дастурларидан фойдаланиш;
- ўкув жараёнинда мультимедия технологиялларини қўллаш;
- ягона интерактив давлат хизматлари портали [tu.gov.uz](http://tu.gov.uz) дан амалиётда фойдаланиш;
- электрон хукумат лойиҳаларини яратиш;
- коммунал хўжалик ва уй-жой фонди портали [e-kommunal.uz](http://e-kommunal.uz) дан амалиётда фойдаланиш;
- ўкув жараёнинда химояланган компьютер тизимлари ва тармоқларини куриш;
- шифрлаш алгоритмлари асосида ахборотни маҳфийлигини таъминлаш;
- меъёрий ва фавқулодда вазиятларда ахборот хавфсизлиги тизимларини ташкиллаштириш;
- симсиз тармоқларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- Linux мухитида ишлаш;
- Linux мухитида скриптлар яратиш;
- Linux мухитида файлларга нисбатан руҳсатларни бошқариш;
- умумий хотира, масоғавий чакирув жараёнлари ва сокетлар, вазифаларнинг синхронлашуви жараёнларини амалда қўллаш;
- компьютердан ахборотларни бошқариш воситаси сифатида фойдаланиш;
- амалий масалаларни ечишда дастурий воситаларни қўллаш ва методикасини ўзлаштириш;
- аппарат-дастурий воситаларни ўрнатиш ва созлаш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

**Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўкув юкламаси хафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффакиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

## **“Компьютер инжиниринг” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув модуллари ва уларнинг мазмунни**

### **I. Олий таълимнинг норматив хуқуқий асослари**

#### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия.**

Мустакил демократик тараққиёт ва жамият ривожи. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янгича назарий-концептуал гоялар. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш тўғрисида Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини химоя килиш – давлат сиёсатини устувор йўналиши. Халқ қабулхоналари ва виртуал марказларининг ташкил этилиши. “Инсон манфаати ҳар нарсадан улуг”. Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишлашининг зарурлиги. Танқидий таҳлил, катъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик раҳбар фаолиятининг асоси эканлиги. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чикилиши, унинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар. Таълим соҳасидаги ислоҳотлар, модернизациялаш ва интеграциялашиш жараёнлари. Жамиятдаги ўзгаришларда ёшлиарнинг иштироки. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва унинг аҳамияти.

#### **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик нормалари.**

Норматив-хуқукий хужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-хуқукий хужжатларни ишлаб чикиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг боскичлари ва асосий йўналишлари.

Коррупцияга карши курашнинг қонуний асослари ва унинг олдини олишнинг омиллари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга карши курашиб тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли карорининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2015 йил 12 июнядаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони, 2016 йил 30 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июнядаги ПФ-4732-сон Фармонига ўзгаришиш ва кўшимча киритиш тўғрисида”ги ПФ-4860-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 16 февралдаги

“Олий ўкув юргидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарор ва бошкалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чикиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарслклар ва ўкув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул килиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сонли Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори, 2015 йил 2 марта “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 36-сонли қарори, 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли қарори ва бошкалар.

Давлат таълим стандартлари, ўкув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга кўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талabalар билимни назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талabalарининг малакавий амалиёти тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустакил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошка мельерий хужжатлар.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли бўйруги, 2017 йил 1 марта «Янги ўкув услубий маъмуналарни тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани тавсия этиш тўғрисида»ги 107-сонли бўйруги, 2017 йил 13 марта «Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида»ги 138-сонли бўйруги, 2015 йил 7 апрелдаги “Олий таълим муассасалари талabalari Республика фан олимпиадаси тўғрисида”ги 123 -сонли бўйруги, 2017 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги Қарорини ижроси тўғрисидаги 244-сонли бўйруги, 2017 йил 26 майдаги

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 20 майдаги 304-сонли Карори ижроси тўғрисида”ги 342-сонли буйруги.

## **II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

### **2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.**

Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари.

Олий таълим муассасаларида ўкув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчилярнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), маҳорат дарслари, ассисмент методларидан ўкув-тарбия жараённада фойдаланиш. Ўкув лойихаларини ишлаб чикиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Педагог қасбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагог психологияк, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий кисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гурухни оптималь бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш ўйлари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини қасбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик-педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурый шарт-шароитлари, моделлари. Қасбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларининг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари.

### **2.2. Электрон-таълим мухитини шакллантириши.**

Ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнини ташкиллаштириш. Электрон таълимнинг асосий ривожланиш тенденциялари. Таълим сифатини таъминлаш имкониятини берувчи ахборот тизимларидан фойдаланиш ва ўкув жараёнига тадбик этиш усуллари. Оммавий очик онлайн курслар. Электрон таълим учун муаллифлик воситалар. Олий таълим тизимида таълим сифатини оширишда MOOC (Massive Online Open Course) нинг ўрни. Таълим сифатини таъминлашда электрон ахборот ресурслардан фойдаланиш. Талабалар билиш фаолиятини фаоллаштириш имкониятини берувчи педагогик дастурий воситалар.

## **III. Таълим жараённада ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш**

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, қасбий ахборот майдонини лойихалаш.

Замонавий ахборот- коммуникация технологиялари ва улардан таълим жараённида фойдаланиш имкониятлари.

Педагогик фаолиятда амалий дастурний воситалардан фойдаланиш Microsoft Office пакетининг замонавий версиялари таснифи. Microsoft Office пакети дастурларида (MS Word, MS Excel, MS Power Point ва б.) ўкув-методик материалларини яратиш усуллари.

Web 2.0/3.0 технологиялари. Педагогик дастурний воситалар. Муаллифлик дастурлари (Ispring Free, Articulate ва бошк.) ва улардан фойдаланган ҳолда мультимедиали электрон ўкув ресурсларини яратиш.

Компьютер тармоклари. Интернет технологиялари характеристикаси. Интернет тармогининг асосий хизматлари ва унда мулокот турлари. Интернет ресурсларидан таълимда фойдаланиш. Ziyonet.uz таълим портали. Google асбоб ускуналари ва хизматлари (сервислари)дан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойихалаш. Электрон портфолио ва унда ишлаш технологиялари.

Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари. Moodle масофавий таълимни бошқариши тизимида ўкув ресурсларини яратиш ва жойлаштириши.

Ахборотга таҳдидлар. Ахборотни химоялашнинг замонавий восита ва усуллари. Идентификация ва аутентификация жараёнлари.

### **3.2 Мультимедиа технологиялари.**

Мультимедиа инжинирингининг асосий тушунчалари. Мультимедиа технологияларининг кўллаш соҳалари. Интерактив ўқитиши тизимларида мультимедиа технологиилари. Мультимедиа маҳсулотларини тақдим килиш усуллари. Мультимедиа компоненталари. Матн, тасвир, аудио ва видео ахборотлари хусусиятлари. Тасвир, аудио, видео ахборотларни ракамлаштириш жараёни ва параметрларини бошқариш. Матнли ва график объектларни яратиш технологияси. Мультимедиали тақдимотларни тайёрлаш воситалари. Мультимедиали маълумотларни қайта ишлаш. Мультимедиа иловаларида овоз ва визуал ахборот воситаларининг алоҳида хусусиятларини ўрганиш. Мультиедианинг техник воситалари. Мультимедиа дастурний таъминоти ва турлари. Мультимедиа иловалар ва уларни яратиш дастурлари. Мультимедиани кўллаб-куватловчи тизимий дастурлар. Анимация яратиш воситалари. Чизикли ва чизикли бўлмаган видео монтаж. Видео монтаж воситалари. 3D технологиялари. Виртуал дунёнинг 3D намойиши.

## **IV. Амалий хорижий тил**

### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўқитиши ва ўрганишдаги ислоҳотлар. Тил бўйича Евropa стандарти ва унинг талкини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўнижмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда мувваффакиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулокот мухити, мулокот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўнижмалари даражасини баҳолаш ва бошк. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралигига). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил

ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулокот комплекцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳакида чет тилида гапира олиш).

Мулокот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳакида маълумот, бўш вактни ўтказиш ва хоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўкиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

## V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

### 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.

Тизимли таҳлил назарияси фанлараро назария сифатида. Тизим ва тизимнинг белгилари. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли таҳлилнинг максади ва вазифалари. Тизимили синтез. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли таҳлилини амалга ошириш. Тизимли таҳлилни амалга оширишнинг асосий боскичлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларга кўйиладиган асосий талаблар.

Қарор варианtlарини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёнини бошқаришда қарорларнинг ўрни. Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертиза ва прогностик методлари. Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар изжросини таъминлаш механизми. Педагогик фаолиятда қарор қабул қилиш технологияси. Қарорлар изжросининг назорати.

### 5.2. Электрон ҳукумат.

Электрон ҳукумат тушунчаси, вазифа ва принциплари. Электрон ҳукуматни амалга оширишнинг муваффакият ва хавф омиллари. “Электрон ҳукумат” тизимили ривожлантиришнинг меъёрий-ҳукуқий асослари. Электрон ҳукумат жорий этишининг жаҳон тажрибаси. Электрон ҳукуматда ўзаро муносабат турлари асосидаги ахборот тизимлари. БМТнинг электрон ҳукумат ривожланиш рейтинги.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали my.gov.uz дан амалиётда фойдаланиш. Коммунал хўжалик ва уй-жой фонди портали e-kommunal.uz дан амалиётда фойдаланиш. Электрон ҳукумат тизими интерактив хизматларини ташкил этиш.

## **VI. Махсус фанлар**

### **6.1. Ахборот хавфсизлиги.**

Ахборот хавфсизлигининг анъанавий тимсоллари. Ахборот хавфсизлиги сиёсати. Ҳимоя тизимини лойихалаш ва амалга ошириш босқичлари. Ахборотни ҳимоялашда криптографиянинг ўрни. Симметрик блокли шифрлаш алгоритмлари. Очиқ қалитли шифрлап алгоритмлари. Ҳаш функциялар ва ЭРИ алгоритмлари. Электрон ракамли имзо алгоритмлари.

Аутентификация ва идентификация усуллари. Рухсатларни назоратлаш. Тармокларо экран. Ҳужумларни аниқлаш тизимлари. Содда аутентификациялаш протоколлари. Симметрик ва асимметрик шифрлашга асосланган протоколлар. SSH протоколи. Дастурий маҳсулотлар хавфсизлиги. Дастурий маҳсулотларда мавжуд заифликлар. Дастурий маҳсулотларни яратиш.

### **6.2. Linux операцион тизими.**

Linux операцион тизими асослари. Linux бўйруклар сатри билан ишлаш. Linux kernel тушунчаси. Драйверлар, жараёнлар, серверлар. Linuxда администраторлаш. Linuxда тармок. Linux дистрибутивлари. Файл серверини созлаш. Linux мухаррирлаш. Вазифалар диспетчери. Сигналлар билан ишлаш. Shell интерпретаторида ишлаш. Тизимни бошкариш. Дастурий хавфсизлиги. Масофадан кириш ва аутентификация. Тизим хавфсизлиги. Интернет серверни созлаш. Тармокни созлаш. NFS файл тизими.

### **6.3. Ўрнатилган тизимлар (Embeded system).**

Ўрнатилган тизимлар. Ўрнатилган тизимларининг лойиҳалаш босқичлари ва синкли. Ўрнатилган тизимларнинг асосий хусусиятлари стандартлари. Ўрнатилган тизимлар аппарат таъминоти. Ўрнатилган процесорлар. Ўрнатилган тизимларда хотира. Ўрнатилган тизим платалари шиналари. Ўрнатилган тизимлар дастурий таъминоти. Ўрнатилган тизимлар дастурий таъминотига қўйилган талаблар ва хусусиятлари. Ўрнатилган операцион тизимлар. Дастурий таъминот ўрга катлами.

Arduino ўрнатилган тизимида кириш чиқишини ташкил этиш. Arduino ўрнатилган тизимида датчиклар ва сенсорлар билан ишлаш. Arduino ўрнатилган тизимида масофавий бошкариши амалга ошириш. Arduino ўрнатилган тизими микрофон аудио ахборотни кайта ишлаш ва мусика. Arduino дастурларида класслар яратиш. Тутгача обьектини яратиш. Arduino дастурлари учун сигналларни ракамли фильтрацияси. Arduino ўрнатилган тизими учун кутубхона яратиш.

## **VII. Педагогик амалиёт**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳхил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқсан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

## **Амалий машгулотларни ташкил этиш бўйича қўрасатма ва тавсиялар**

Амалий машгулотларда тингловчилар ўкув модуллари доирасидаги ижодий топшириклар, кейслар, ўкув лойихалари, технологик жараёнлар билан боғлик вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машгулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташкари, мустакил ҳолда ўкув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустакил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмuni**

Мустакил таълим тегишли ўкув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириклар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битириув иши (войиха иши) ни тайёрлайди.

Битириув иши (войиха иши) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бербаётган фани бўйича электрон ўкув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўкув модулларининг тақдимоти куйидаги таркибий кисмлардан иборат бўлади:

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фани ўзлаштиришга ёрдам берувчи кўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошк.)

Электрон ўкув модулларини тайёрлашда куйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия килинган адабиётларни ўрганиши ва таҳдил этиши;
- соҳа тараккиётининг устивор ўйналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиши.

Шунингдек, мустакил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўкув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўкув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қофоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

## **Адабиётлар**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.– 176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.
3. Каримов И.А. Она юртимиз баҳти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиши – энг олий саодатdir. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига багишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутки. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрг тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул килинганинг 24 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маъруzasи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 1026.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

## **II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшлиарга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлиар иттифоқи фаолиятини кўллаб-куватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга карши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Карори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли карори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириши курслари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли карори.

### III. Maxsus адабиётлар

1. Diane Belcher, Ann M. Johns, Brian Paltridge. New directions in English for specific purposes research. The University of Michigan Press. 2011.
2. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.–2796.
3. Karimova V.A, Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyatni nashriyoti”, 2014.–192 b.
4. Michael Swan, Catherine Walter. The Good Grammar Book. Oxford, 2001.
5. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие.–М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана,2002.-336с.
6. И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педаг. вузов. - в 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 1999.– 567 с.
7. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. д.т.н., проф.В.В.Попова, акад.РАО Ю.Г.Круглова.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.:ил.
8. Peter Master. English Grammar and Technical Writing. Regional Printing Center. 2004
9. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер. Серия “Учебное пособие”, 2004–316 с.: ил.
10. Сурмин Ю.П. Теория систем и системный анализ: Учебное пособие.– Киев: “МАУП”, 2003.– 242с.
11. G’ulomov S.S., Begalov B.A. Informatika va axborot texnologiyalari.– Т.:, Fan, 2010.–686c.
12. Karimova V.A. , Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari. Uzbekistan faylasuflari milliy jamiyatni nashriyoti. Toshkent - 2014. – 189 b.
13. Рахманкулова С.И. Тадбиркорлар учун он-лайн интерактив хизматлар. – infoCOM.Uz. – 2015.- 175 б.
14. Ganiyev S.K., Karimov M.M., Toshev K.A. Axborot xavfsizligi. 2015. 390 b.
15. Diane Elkins, Desiree Pinder E-Learning Fundamentals: A Practical Guide. – ASTD, - 2015.
16. Sourabh Gupta. Introduction to Multimedia. India, 2014.

17. Nag Yeon Lee and Kwangsok Oh. e-Government Applications. Republic of Korea, 2011.
18. Stamp Mark. Information security: principles and practice. USA, 2011.
19. Mark G. Sobell. A Practical Guide to Fedora and Red Hat Enterprise Linux. USA, 2010.
20. T. Noergqoard. Embedded Systems Architecture. Netherland, 2013.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Алока, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: [www.aci.uz](http://www.aci.uz).
3. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофикалаштирувчи кенгаш: [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
5. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофикалаштирувчи кенгаш: [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz).
6. ЎзРес.ОЎМТВ хузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
7. Тошкент ахборот технологиялари университети: [www.tuit.uz](http://www.tuit.uz), [e-tuit.uz](http://e-tuit.uz)
8. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
9. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
10. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
11. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
12. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>
13. <http://wiley.com>
14. <http://nptel.ac.in>

**"ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН":**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни кайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширишни ташкил этиш  
Бош илмий-методик макази

Директор \_\_\_\_\_ У.Н.Бегимкулов

“ \_\_\_\_ ” 201 \_\_\_\_ й.

М.ў.



Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

Ректор \_\_\_\_\_ Т.З.Тешабаев

“ \_\_\_\_ ” 201 \_\_\_\_ й.

М.ў.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент  
ахборот технологиялари университети  
хузуридани педагог кадрларини кайта  
тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш  
зармок маркази


Директор \_\_\_\_\_ А.В.Раджиев

“ \_\_\_\_ ” 201 \_\_\_\_ й.

М.ў.

**"КЕЛИШИЛГАН":**

Янги дастурлар ва ўкув адабиётларнинг жорий  
килинишини назорат килиш бош  
бошкармаси

Бошкарма бошлиги 

О.Ш.Исмоилов

“ \_\_\_\_ ” 201 \_\_\_\_ й.

М.ў.

